

Qishloq hayoti

2009 йил

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 8 Sentyabr, Seshanba, 106 (7567) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



Кўргазмада таклиф этилаётган лойиҳаларнинг замонавийлиги эътиборни тортади. Уларнинг макетларини кўриб, энди бизга шунга буларавди, деган тушунчанинг вақти аллақачон ўтганига яна бир бор амин бўлдим. Уйнинг лойиҳаси замонавий бўлгандан кейин қурувчи ҳам шунга яраша ҳаракат қилади.



Вобкент туманининг Хўжаработ қишлоғидаги "Қумушкент сарвари" масъулияти чекланган жамиятида жорий йил охиригача Россиядан келтирилган иккита махсус печлар ўрнатилиб, ишга туширилгач, бир неча турдаги нон ва ширин пишириқлар тайёрлана бошлайди.



Йўғида сабр, борида шукр қиладиган, камтаринлиги, ишбилувчилиги ва саховати билан эл назарига тушган оиллага бир қаламқаш сифатида ҳавас қилдим. Бундайларга фақат бир ният бор: "Қўшгани билан қўша қарисин".



Қишлоқ фаровонлиги — юрт фаровонлиги

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 7 сентябрь кунини Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Хитой Автомобиль техникаси маҳсулотлари экспорти ва импорти бўйича савдо палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоа, ёқилғи-энергетика, банк-молия, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, кўнчилик, соғлиқни сақлаш, геология ва минерал ресурслар, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари, электротехника, логистика, сайёҳлик ҳамда мебелсозлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Ш.Тулаганов, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхон, Хитой Автомобиль техникаси маҳсулотлари экспорти ва импорти бўйича савдо палатаси вице президенти Лю Мэйкунь мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мўҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Форумда хитойлик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоа жалб этилишининг устувор йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар, "Навотий" эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги кулайлик ва имтиёзлар билан таништирилди.

— Ўзбекистон — Хитойнинг Марказий Осиё минтақасидаги мўҳим ҳамкорлари, — дейди Лю Мэйкунь. — Ҳақонда давом этаётган милливий-иқтисодий инкирозга қарамай мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистонда чет эл ишбилармонлари учун яратилган қўлай шароит ва кенг имкониятлар хитойлик ишбилармонларнинг Ўзбекистондаги шериклар билан ҳамкорликка қизиқишини кучайтирмоқда.

Дарҳақиқат, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2008 йилда 43,4 фоиз ўсиб, 1,3 миллиард АҚШ долларига етган бўлса, жорий йилнинг январь-июнь ойларидаёқ бу кўрсаткич қарий 1,2 миллиард долларни ташкил этди. Шунингдек, сармоявий ҳамкорлик кўлами муттасил кенгаймоқда. Мамлакатимизда фаолият юритиётган 266 та Ўзбекистон-Хитой қўша корхонасининг 44 таси тўла Хитой сармояси ҳисобига тузилгани бунинг ақволи тасдиғидир. Улар енгил саноат, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, савдо-сармоа каби соҳаларда иш олиб боради. Юртимизда, шунингдек, Хитойнинг 46 етакчи компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Форумда Ўзбекистон ва Хитойнинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атрафчилик фикр алмашилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Хитой компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар мўҳима қилинди. Бунда икки мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мўҳим ўрин тутгани алоҳида таъкидланди.

Анжуманда Хитойнинг эълиқдан эълиб йирми компанияси-дан юзга яқин вакил иштирок этди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирокчида кооперация биржа ўтказилди.

Мадина УМАРОВА, ЎЗА мухбири

Куни кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ҚИШЛОҚ АХОЛИСИ УЧУН ЯАКА ТАРТИБДАГИ УЙ-ЖОЙЛАРНИНГ ЛОЙИХАЛАРИ ВА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КўРГАЗМАСИ иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси, "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" бош лойиҳа-қидирув институти, "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросига бағишланди.

Кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, Юртбошимиз раҳамомлигида истиқлолнинг ilk йилларидан қишлоқ жойларда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқларда қиёфасини тубдан ўзгариштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жорий йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинганига эса амалга оширилаётган ишлар кўламининг ниҳоятда кенгайганлигини намойиш этди. Амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг натижасида босқичли қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгариштиришга етди. Шундай қулларга етиб келдик. Бугун қишлоқларимизда қад ростлаган замонавий коллежлар, мактаблар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Бошланган ташаббус эса хонадонларимиз, уйларимиз, пиравардида қишлоқларимизнинг шундай қиёфа касб этишига қаратилгандир. Буни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгилаган вазифалар ҳам ақволи намойиш этди. Дастурга мувофиқ ана шундай улкан бунёдкорликни амалга оширадиган яхлит тизим яратилди. Президентимизнинг қарорлари билан ташкил этилган "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" бош лойиҳа-қидирув институти, "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки ҳамда "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниялари ана шу жараёнда фаол иштирокчи бўлади.

Юздан ортиқ компания ва ташкилот иштирок этаётган кўргазма фаолияти билан танишамиз. "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" институти томонидан республикамиз ҳудудларининг табиий-иқлим шароити, иқтисодий демография ҳусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган уй-жойлар, иқтисодий-маданий, маиший объектларнинг янги намунавий лойиҳалари иштирокчиларда эър қизиқиш уйғотмоқда.

— Институтиимизнинг асосий вазифалари этиб қишлоқ аҳоли манзилларини меъморий режалаштириш ва қишлоқ қурилишини лойиҳалаштириш, уларнинг бош режа ҳамда архитектура-режа асосида қурилиш лойиҳалари, турар-жой бинолари, иқтисодий ва ишлаб чиқариш инфраструктура объектларининг намунавий лойиҳаларини тайёрлаш белгиланган, — дейди "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" бош лойиҳа-қидирув институти лойиҳалар бош архитектори Зулфия Мирзаева. — Шу мақсадда бугунги кунгача 50 дан ортиқ намунавий лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Жорий йилда ана шундай лойиҳалар асосида мамлакатимизнинг турли вилоятларида 42 намунавий посёлкалар бунёд этилади. Кўргазмада уларнинг бош режалари, бунёд этиладиган уйлари макетлари намойиш этилмоқда.

— Намунавий лойиҳалар ишлаб чиқишда ҳудудимизнинг ўзига хос хусусиятларига, меъморий анъаналарга эътибор қаратилди, — дейди Фарғона вилояти бош архитектори вазифасини бажарувчи Эргашали Мақкамов. — Ер танқислиги, мавжуд ерлардан оқилона фойдаланишни инobatта олиб ўзимизнинг бола-хонали уйлар усулини такомиллаштириб, икки қаватли замонавий уйлар лойиҳасини тайёрладик. Унинг яна бир ахамиятли томони шундаки, бунда қурилиш ашёлари тежалани, қурилган иншоот узоқ вақт чидайди.

Кўргазмада намойиш этилаётган яна бир мўҳим йўналиш "Қишлоқ қурилиш банк" ва уй-жой қурилишида буржумчи вазифасини бажарувчи "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси томонидан қўрсатиладиган хизмат турларидир. Унда аҳолига имтиёзли кредитлар ажратилиши, уй-жойларни "қалити билан" топшириш шартлари асосида қуриш механизми иштирокчиларга қўрсатиламоқда.

"Ўзқимёсанотлоиҳа" институти директори Сафар Холмунинов таъкидлаганидек, бу-



гун юртимизда барча қурилиш материаллари тайёрланади ҳисоби. Фақатгина пластик эшик-ромлар учун ПВХ хомашёси ўзимизда ишлаб чиқарилмасди. Яқиндан бошлаб янги лойиҳага қўра ушбу маҳсулот ўзимизда ишлаб чиқарила бошланади. Демакки, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига қурилиш материаллари янада арзонлашади.

Иккинчи павильонда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий қурилиш материаллари, уй-рўзгор ва енгил саноат маҳсулотлари, мебеллар, маиший техника кўргазмаси бўлмоқда. Энг мўҳими, ушбу стандартларда қишлоқ ҳўжалик ускуналари, дархат ва гул қўчатларига бор. Улар намойишдан қўзланган мақсад, ҳар бир иқлимга мос навларни иштирокчиларга қўрсатиш ва таъбиқ этишидир.

"Ўзэкспомарказ"нинг очик майдонларида эса намунавий лойиҳалар асосида, маҳаллий қурилиш ашёларидан фойдаланган ҳолда бунёд этилган, замонавий безак ва мебеллар билан жиҳозланган етти хил ўйнинг намунаси иштирокчилар ҳуқуқига ҳавола этилган. Уларнинг айни пайтда қўриниши кела-

жак қишлоқларимиз жамолини қўрсатади. Кўргазмага таклиф этилганлар орасида соҳа вакилларида ташқари, маҳалла раислари, фаоллари ҳамда фермерлар ҳам бор. Янгиликлар, изланишлар, бунёдкорлик ишларининг тарғиботида, юртимиз ободлигида уларнинг ҳиссаси катта. Бугунги қишлоқ мулкдорига ўз ишчисига ана шундай уй қуриб бериш имконияти етарли.

— Ўзимизнинг гилт ишлаб чиқариш сизимиз бор, — дейди Навотий вилояти Қузилтепа туманидаги "Фахриддин Ойбек" фермер ҳўжалиги раҳбари Раҳимиддин Ҳафизов. — Бугун биздан талаб этилаётган вазифалар кўлами кенг.

Ушбу кўргазмада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган вакиллар иштирок этишади. Дастлабки кунда Андижон ва Бухоро вилоятларидан келган иштирокчилар кўргазма фаолияти билан танилиди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ОБУНА - 2010



АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

"Қишлоқ ҳаёти" ва унинг иловаси "Ҳаёт" газеталарига 2010 йил учун обуна бошланди. Обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул тўлови ёки пул ўтказиш йўли билан ҳамда пластик карточка орқали амалга оширилади.

БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ: "Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт" биргалиқда — 144 "Ҳаёт" — 145

Сифатли тадбир самарадорликка омил бўлади

Ўз вақтида амалга оширилган гўза дефолиацияси йғим-терим мавсумини янада уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлайди

Жорий йилда Андижонда 82 минг гектар майдонда гўза баргини суний тўқтириш тадбири ўтказилиши режалаштирилган. Бу ишга 445 та пуракач ҳамда 232 та қўл аппарати жалб этилди.

Пахтабод туманидаги "Абдулазиз" фермер ҳўжалигида 28 гектар майдонда гўзанинг "Андижон-35" нави етиштирилди. Насибилло Абдулазизов раҳбарлигидаги ҳўжалик далалига айни пайтда қўз югуртирсангиз, сиз ҳам бектиёр "Ҳосилининг баракасини берсин" деб юборасиз. 30 август кунини амалга оширилган дефолиация пахтазорни чаманзорга айлантириб юборди. Шунингдек, Тожиддин Қаҳоров, Бахтиёр Исмоилов каби фермерларнинг далалида ҳам худди шундай манзарани кўрдик.

Туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлиғи Абдувоҳид Маждов билан дала

айланар эканмиз, шунга амин бўлдикми, гўза дефолиацияси ўтказишда ўта сиқоқлик ва бемасъулет иш таъкил этиш борасида яқдиллик борлигини кузатдик. Қачонки, фермер ўз даладан, ўзи яратган хосилдан кўнгли тўлгандагина гўза баргини суний тўқитиш амалга ошириляпти. Ҳақиқатда ҳам ҳар қим даласининг сирсинотини фермердек билмайди. Пахтаободликлар шу кунгача 2400 гектардан эълиб майдондаги гўзага дефолиант сеппи бўлиши. Бу ишга 31 та "ОВХ" жалб этилган бўлиб, 3 та жойда мутаваассислар назоратида ишчи эритмаси тайёрланмоқда. Барги тўқилиши бошланган далададаги гўзаларда қўсақларнинг очилиши кўндан-кўнга тезлашиб бораётди.

Улуғнор туманидаги "Андижонлик Шўхратбек ери" фермер ҳўжалигида 64 гектар пахтазор бор. Бу ҳўжаликда гўзанинг истиқболли "Султон" нави экилган. Яқинда ушбу нав му-

аллифи бу ерда бўлиб, деҳқонлар билан навбатдаги агротехник тадбирлар ҳақида суҳбатлашди ва йўл-йўриқлар берди. Ана шу тавсия асосида 2-5 сентябрь кунлари гўза дефолиацияси амалга оширилди. Тадбир бажарилиши биланок барча майдонлар сўнгги марта қўқур кўлтывациядан чиқарилди. Босиш, эгати ораларининг шудгорланган ҳолда бўлиши қўсақларнинг илдам очилишига туртки беради экан.

Вилоятда биринчи бўлиб кўргазмали чигит экиш Марҳамат туманидаги "Дўстлик галаба нашидаси" фермер ҳўжалигида ўтказилганди. Гўза дефолиациясини амалга ошириш бўйича тадбир ҳам шу далада ташкил этилди. Вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси, вилоят прокуратураси ҳамда вилот фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳам-

корлигида ўтказилган йғимда гўза дефолиациясининг йғим-теримдаги афзалликлари қўқур таҳлил этилди.

— Ўтган йили ҳосилини йўқотиб қўяман, деб дефолиация ўтказишга рўйхушлик бермаган эдим, — дейди Олтинқўл туманидаги "Ал-Ил-Шамс" фермер ҳўжалиги раҳбари Илхомжон Алиев. — Хирмон кўтарилганда хато қилганлигимни тан олдим. Харорат пасайиб борган, қўсақларнинг очилиши шу қадар сустлашдики, охир оқибат гўзаларда қўлиб кетди. Шунини ҳисобга олиб, ҳозир дефолиация ўтказишга ҳозирлик қўряман. Дала атрофларига қўл аппарати билан эритма сеппиша киришимди. Бугун-эрта барча далага дефолиант сеппи бўламан. Фақат мен эмас, ўтган йили мен каби иш тутган ҳамкасбарим ҳам дефолиация борасида ҳаракатга тушиб қолишимди. Еруғ кунда, юқори сифат билан пахта ниғиб-териб олишга ҳеч нарса етмас экан.

Кобилжон АСКАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Андижон вилояти

Чуст шаҳридан ўттиз чакиримча олисда жойлашган Қорақўрғон қишлоғида 2002 йилда янги тилдаги қишлоқ врачлик пункти қурилиши режасига киритилиб, қўсқа вақт ичида замонавий бино фойдаланишга топширилди. Қўрқам ва шинам даволлаш хоналари замонавий тиббий аппаратуралар, асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Узоққа боришга ҳожат йўқ

2005 йилда туман қишлоқ врачлик пунктлари бўйича ўтган танловда биринчи ўринни эгаллагандик. "Саломатлик-2" дастури бўйича лабораториямизга чақалоқларни қўрув столи, "Санер" аппаратини келтирилганлиги нур устига алоҳи нур бўлди. Бош фельдшер Абдуҷаббор Оминов, доя Санатхон Холиқова, ҳамширалар Ҳалимахон Фозиева, Матлубатхон Холиқова, Аломатхон Солижонова каби тиббиёт ходимлари меҳнатидан қишлоқ ахли мамнун.

Эътиборхон ШАРОПОВА, Қорақўрғон ҚВП мудираси.

Наманган вилояти

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатиноат муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмахсулот", "Ўзқимёсанот", "Ўзагроосуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқҳўжаликмашилизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ег-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари, "Ўзагроомашсервис", "Ўзғўштасаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари қасбада уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Қишлоқ фаровонлиги — юрт фаровонлиги

УЙЛАРИМИЗ ҲАҚИДА УЙЛАРИМИЗ

Истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида қишлоқларга, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимизнинг фармони қарорлари билан одамларга уй-жой, томорқа учун ер берилди. Қишлоқларда хизмат кўрсатиш даражаси ошди. Жорий йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинди.

Келинг, фикримизни далиллар билан давом эттирайлик. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига кўра, бунёдкорлик кўламини кенгайтиришнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, қурилиш ашёлари, лойиҳавий ва молиявий масалалар ечимини белгилаб берилди. Президентимизнинг қарорларига кўра, қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартириш мақсадида «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» институти, уй-жойларни тайёр ҳолда топшириш, реконструкция ва таъмирлаш ишларини олиб борадиган ташкилотлар, «Қишлоқ қурилиш банк», «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ташкил этилди. Бу жараёнда қурилиш ашёларига бўлган талабнинг ошиши инобатга олиниб, замон талабидоғи корхоналарни қўпайтириш, янгиларини бунёд этишга эътибор қаратилди.

Бугун мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айланди, десак муболаға бўлмайди. Йил дастурига кўра, жорий йилда қишлоқ жойларда 7100 минг кв.м уй-жой фойдаланишга топширилгани белгиланишининг ўзбек фикримизни исботлайди. Шунингдек, дастурда қишлоқларда ичимлик суви, машиш хизмат, транспорт, хизмат кўрсатиш тизимининг тубдан яхшилашнинг муҳим йўналишлари кайд этилди. Намунавий қишлоқларнинг бош режалари ишлаб чиқилди. Бир сўз билан айтганда, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартиришнинг ҳақиқий босқичи бошланди.

Бу масаланинг бир жиҳати. Яна бир томони борки, чиройли яшаш учун ўзимизда ҳам хоҳишу истак кучли бўлиши керак. Очигини айтганда, барча қишлоқларимиз ободликка юз тутган дея олмаймиз. Юқорида келтириб ўтганимиз, паҳса-ю гуваладан тикланган, бирон-бир меъморий ечимга эга бўлмаган, хатто пала-партиш қурилган уйлар қишлоқларимиз қиёфасини бузаётганлиги бор гап. Узоқ қишлоқда яшовчи қариндошимиз ҳар йили «қурилиш» қилади. Яъни, ёгингарчилик фасларидоғи қорум ёғирлар сабаб паҳсадан қилинган уй кулаб тушиш даражасига етади. Ёзда уйни тузади, томини сувайди. Ҳўш, энди ҳисоблаб кўрайлик. Агар имкониятдан тўлиқ фойдаланиб, лойиҳа асосида девори пишиқ гишту-томи шифердан қилинганда ҳар йили харажату вақт кетмасди. Сўз молиявий


лоқларимиз қиёфасини бузаётганлиги бор гап. Узоқ қишлоқда яшовчи қариндошимиз ҳар йили «қурилиш» қилади. Яъни, ёгингарчилик фасларидоғи қорум ёғирлар сабаб паҳсадан қилинган уй кулаб тушиш даражасига етади. Ёзда уйни тузади, томини сувайди. Ҳўш, энди ҳисоблаб кўрайлик. Агар имкониятдан тўлиқ фойдаланиб, лойиҳа асосида девори пишиқ гишту-томи шифердан қилинганда ҳар йили харажату вақт кетмасди. Сўз молиявий

жиҳат ҳақида кетар экан, яна бир томонга эътибор қаратишимиз лозим. Йилда бўлмаса ҳам йил оша етти маҳаллага доврүк солиб, пойтахтдан «фалон» пулга артист олиб келиб ўтказадиган тўйларимизга қанча маблағ сарфлаймиз. Тўйдан кейин келин-куёв «остонаси тилло» уйда яшаш учун ана шу қарил бўла оладими?! Бир неча йил ўтган, оилада яна бир фарзандни уйлаш фурсати етганда, ёш оила янги уйга кўчишига тўғри келади. Қарабсизки, қишлоқда яна бир паҳса уй пайдо бўлади. «Вақтинчалик» деб қурилган ана шу бино, қишлоқ табири билан айтганда, «бир том, бир даҳлиз бизга бўлаверади» деган лоқайдлигимиз махсули, холос.

Қишлоқ уйлари ҳақида гап кетганда, яна бир мулоҳаза туғилади. Нега биз архитекторга мурожаат қилмаймиз? Қўшининг, бирон танишининг уйдан нухса олиб ёки ўзимизнинг хомаки гоямизни уйга айлантирамиз. Натижада уйимиз бир қатор ноқулайликлар ўзида жам этиб қолади.

Қурилиш ашёларига ҳам муносабатимиз шундай. Агар талаб ошиб борса, ишлаб чиқариш ҳам кўпаяди. Назаримизда, тадбиркорларимиз фақат тўйхона, ресторан қуришга кўч сарфлашади, қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришга эътибор қаратишса, яхши бўларди.

Айни кунларда пойтахтимизда «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтаётган тадбирда катнаша туриб, у ердаги намунавий лойиҳалар, намунавий уйлари кўриб, хулосаларимиз аниқлашди.



Демакки, бошланган ташаббус тезда қанот қочиши шубҳасиз. Келинг, ёдга келтирайлик. 90-йилларда яна «ўн йиллардан сўнг қишлоқ оилаларининг энг сўнгги русумдаги шахсий машинаси бўлади», деса ким ишонарди. Ёки бундан бор-йўғи беш-олти йил аввал «Деярли барча мулоқот учун уяли алоқа воситасидан фойдаланади» деса-чи? Бизга ўшанда узоқ ва анчайин афсона туюлган бу гаплар ҳақиқатга айланди. Бугунги кунда узоқ қишлоқ одамлари компьютеру интернетдан фойдаланишмоқда. Олис овуларда муқобил энергия манбаи — қуёш батареяси уйлари чарогон эътиёр.

Айтмоқчи бўлганимиз, хушбичим, мустаҳкам уйлар қуриш фурсати етди. Яратилаётган имкониятлардан фойдаланиш зарур. Энди келажакка ишончимиз мустаҳкам. Пойдевори бақувват иншоотнинг умри узун бўлади. Бизнинг мақсадимиз озода ва обод Ватанда фаровон яшашдир. Унинг нуфузи эса қишлоқдан бошланади. Қишлоқларга қаратилган эътибор келажакимизнинг ёрқин бўлишидан далolat.

Ватан ободлиги, фаровонлиги қишлоқ қиёфаси билан белгиланар экан, ана шу тараққиётга муносиб ҳисса кўшайлик. Замон билан ҳамнафас яшайлик, азиз қишлоқдош!

**К. БОТИРОВ,
Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.**

СЎЗ — КЎРГАЗМА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Фарход МАМАСОЛИЕВ, «Мериал трэст» қурилиш ташкилоти раҳбари (Жиззах вилояти):

— Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ушбу кўргазмада тахлиф этилаётган лойиҳаларнинг замонавийлиги эътиборини тортади. Уларнинг макетларини кўриб, энди бизга шунга бўлаверади, деган туюнчанинг вақти аллақачон ўтганига яна бир бор амин бўлдим. Уйнинг лойиҳаси замонавий бўлгандан кейин қурувчи ҳам шунга яраша ҳаракат қилади.

Яна бир қувонарли томони, ишлаб чиқилган лойиҳалар замонавий бўлиши билан бирга, уларда миллий ўзига хослик, маҳаллий шарт-шароит ҳисобга олинган. Бундай уй-жой ўзимизда тайёрланган қурилиш материаллари, шунингдек, замонавий жиҳозлар асосида қурилади. Айни пайтда мамлакатимизда маҳаллий хомашедан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш янада кенгайишига йўл очилади. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида қишлоқларда барпо этиладиган уй-жойлар учун қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги технологияларни олиб кириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган ҳам бунинг исботидир. Бу эса лойиҳаларни амалга ошириш харажатларини камайтириш, аҳоли учун қулай, замонавий уй-жой қуриш имконини беради.

Лойиҳаларда ҳудудларга қараб қурилиш материаллари таркиби ҳам белгилангани муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, тоғ ва тоғ олдида жойлашган уйларга айрим қурилиш материалларини олиб чиқиш қimmatга тушиши мумкин. Шу боис бундай жойларда қуриладиган уйлар лойиҳасида ушбу жиҳатлар эътиборга олингани ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Кўргазмада намойиш этилаётган макетларга қараб, замонавий қишлоқларимизнинг янги қиёфасини кўз олдимга келтирайман. Масалан, уй қурилажак жойга энг биринчи навбатда йўл солинади. Шунинг учун ҳам кўргазмага қўйилган лойиҳаларда йўллардан газ, электр линияларини ўтказиш, манзарали даракт экиш, кўприклар қуриш назарда тутилган. Қишлоқларимиз қиёфаси аста-секинлик билан бош режа асосида ўзгариб бориши ва шаҳардан қолишмайдиган масканга айланишига шубҳа йўқ.

Абдуфаттоҳ ЖАББОРОВ, «Қашқадарьқурилишлойиҳасервис» масъулияти чекланган жамияти лойиҳачиси:

— Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» лойиҳа-қидирув институти ташкил этилгани халқимизнинг кўнглидаги иш бўлди. Утган қисқа давр ичида бу институт томонидан қишлоқларда таъбиқ этиладиган янги архитектура бош режалари ва намунавий лойиҳаларни тайёрлаш бўйича кенг кўламли ишлар қилингани таъкидлаш жоиз.

Кўргазмада яқка тартибда уй-жой қуриш учун тахлиф этилган лойиҳалар мамлакатимизнинг ҳар бир минтақаси шароитидан келиб чиққан ҳолда алоҳида-алоҳида тайёрланган. Чунки Сурхондарё ва Қашқадарь вилоятларидаги шароитни Қорақалпоғистон Республикаси ёки Хоразм вилояти билан солиштириб бўлмайди.

Энг муҳими, лойиҳаларда ҳар бир ҳудуднинг уй-жой қуриш бўйича ўзига хос тажрибаси бор. Ана шундай тажриба асосида қурилган уйларда табиий иқлим шароити, қуёш чиқиши боғиши, аёзлик кунлар, ҳазирама иссиқ ва хатто зилзила ҳам ҳисобга олинган. Шу аънаналардан келиб чиққан ҳолда, кўргазмага қўйилган лойиҳаларда уйлар

деворининг қалинлигидан тортиб, ўрнатиладиган эшик ва ромлар шаклига алоҳида-алоҳида олинган мақташга аризуғулук.

Зебо ЁДГОРОВА, Бўқа туманидаги «Чигатой» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси (Тошкент вилояти):

— Мен нафақат қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, балки бир уй бекаси сифатида ҳам бугунги кўргазмани томоша қилмоқдаман. Тахлиф этилаётган лойиҳалар, аввало, хонадонларимиз бекаси бўлган аёллар учун қишлоқ жойларда энг замонавий шароитларни, ривожланган мамлакатлардаги сингари барча қулайликларни яратишга қаратилгани билан ҳам қувонардир. Ушбу комплекс лойиҳаларда болалар боғчаси, мактаб ва касб-хунар коллежлари, қишлоқ врачлик пунктлари жойлашуви алоҳида эътиборга олингани, муайян фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳобчалари ўзаро бир-бирини тўлдиршини айтишим. Буларнинг барчаси юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ўзбек аёлининг ишини енгилатиш, ҳурматини жойига қўйиш борасидаги вазифаларнинг энгил амалга оширилишининг тасдиғидир.

Лойиҳа тақдимотчилари билан суҳбатда аён бўлдики, қишлоқларда хизмат кўрсатишни ривожлантириш, аҳолининг даромад манбаини кенгайтириш, айниқса аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида чекка ҳудудлардаги қишлоқлар уй-жойлари лойиҳаларида хунарманд, уста ёки чеварга ўз уйда хизмат кўрсатиш соҳобчасини очиб имконияти яратилар экан.

Ханимов ЖЕТПИСОВА, Мўйноқ тумани бош архитектори (Қорақалпоғистон Республикаси):

— Мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқимиз яшаш шароити сифат жиҳатдан бутунлай ўзгариб бораётгани, юртимиз қиёфаси тобора кўркам ва замонавийлик касб этганини Ватанимизнинг энг чекка ҳудудларидан бири Мўйноқ тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларида яқка тартибда уй-жойларнинг деярли барчаси паҳсадан қуриб келинган. Қўпчилик уйларининг томи лой сувоқ билан ёпилган. Бойси, маҳаллий аҳолининг кўнглида шундай бўлиши керак, деган туюнча ўрнатиб қолган. Энди эса одамларда яхши яшашга интилиш, қулайликларга эга чиройли уй қуришга қизиқиш кучайди. Лой сувоқ у ёқда турсин, шифер ўрнига черепицадан фойдаланишга ҳаракат қилишяпти. Бугунги кўргазмага барча туманларимиздан ана шундай инсонларнинг келгани, уларнинг иштиёқ билан янги лойиҳаларни кўздан кечириётгани бу борадаги ишларимизни янада ривожлантиришга туртки беради. Чунки улар шу лойиҳалар асосида ўзининг қишлоғида пишиқ гиштдан замонавий уй қураётган, ундан қўшниси, маҳалладоши ўрнак олади.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий режалаштирилишини ташкил этиш, қишлоқда турар-жой ва ихтимойи соҳа объектлари барпо этилишини лойиҳалаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилангани бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**ЎЗА МУХБИРЛАРИ
О. РАЖАБОВ,
О. ТЎРАКУЛОВ
ёзиб олди.**

Ислоҳотлар турмуш фаровонлигига хизмат қилади

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг алоҳида эътибори билан қишлоқ ҳаётининг замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини юртимиздаги кўпобод ва файзли манзиллар мисолида кўриш мумкин. Жорий йилда қишлоқ аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтирмоқда. Навоий вилояти Навбахор тумани ҳокими Абдуразақ НАРЗИЕВ билан ЎЗА МУХБИРИНИНГ суҳбати шу мавзуда бўлди.

— Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрамини меҳнатқаш халқимиз меҳнат ютуқлари, улкан бунёдкорлик тадбирлари билан қаршилади. Навбахорликларнинг бу борадаги муваффақиятларига тўхтасангиз...

— Энг улғу, энг азиз байрамимизни ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларда кўлга қилинган улкан ютуқлар билан кутиб олдик, десам янглишмайман. Байрам тантаналари туман марказидаги «Беҳрабад» стадионида жуда шукўли тарзда ўтди. Кам таъминланган, кўп бола оилалар учун байрам совғалари улашилди. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги байрамнинг шукўли «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар билан уйғунлик касб этди.

Туманимиздаги 61 та аҳоли пунктнинг қирқтаси бош архитектура режаси асосида қурилган. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида 2009-2013 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Мазакур дастурга мувофиқ жорий йилда уч қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда Беҳрабад қўрғонини замонавий шаҳарсозлик талабларига кўра ҳудудий режалаштириш лойиҳаси тайёрланмоқда. Ҳудудимиздаги 17 минг яқка тартибдаги уй-жойларнинг 14 мингта яқинини паҳса ва хом гиштдан

қурилган уйлар ташкил этади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, бу йил 90 оилага намунавий тилда уй қуриш учун ер майдони ажратилди. Аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида маъжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Ушбу мақсадда йилга тўрт миллион дона гишт ишлаб чиқариш қувватига эга «Шохрўх-Карман келажак», «Навоий Роисон» фирмалари, истеъмолчиларга йил давомида бир ярим минг тонна оҳак етказиб берувчи «Асон-Адолат», черепица ва рубероид тайёрлашга ихтисослашган «Тоҷмахал» ва «Элдор-Насим» корхоналари ишга туширилди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида 11,6 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш белгиланган бўлиб, ҳозирга қадар қуриб олти миллиард сўмлик иш бажарилди. Шу давр мобайнида йилга 6 минг 300 тонна калава-ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Навбахортекс» хоржиқ қорхонаси фаолияти йўлга қўйилган, фермер хўжалиқлари учун лизинг ва банк кредити ҳисобидан ўнга яқин қишлоқ хўжалиқ техникалари келтирилгани эътирофга моликдир.

Қишлоқ аҳолисининг ўзоғини яқин, оғирини енгил қилишда, қишлоқларда турмуш маданиятини оширишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳобчалари ташкил этишнинг аҳамияти катта. Тадбиркорларимиз буни тўғри англаган ҳолда машиш хизмат соҳобчаларини, замонавий савдо дўконларини очиб ҳаракат қилмоқда. Метан қишлоғида тадбиркор Маҳмуд Қаршиев 950 миллион сўмлик қийматга эга, шинам мехмонхона, автомобильлар учун эҳтиёт қисмлар дўкони ҳамда ўтосервис хизматини ўз ичига олган «Автокемпинг» мажмуаси қурилишини бошлади. Бунга ўхшаш мисоллар кўп.

— **Туманда қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада қўрилаётган чора-тадбирлар хусусида ҳам тўхтасангиз.**

— Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш яхшилаш мақсадида жорий йилда 13 километр масофада сув қувури ётқиришни режалаштирганмиз. Кескантирак, Қўшқочди ва Шодибек қишлоғида сув таъминоти тубдан яхшиланди. Шунингдек, туманимиздаги 3-мактаб, педагогика касб-хунар коллежи ва «Гулшан» болалар боғчасида ҳам сув таъминоти муаммолари ҳал этилди. Чамқоттепа, Кавоби ва Охунбоев номидаги қишлоқларга ҳам ичимлик суви келтирилди. Ҳозирги вақтда Совунар, Оқолтин, Салим Султон, Мавлонбобо қишлоқларига

7 километрлик қувур тортиш ишлари олиб бориламоқда. Осиё тараққиёт банки маблағ ҳисобидан 17 километри тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини берадиган 1,13 минг АКШ доллари миқдоридоғи қурилиш-монтаж ишлари шу йилнинг туртинчи чорағида бошланди.

Айни пайтда туман аҳолисининг 75 фоизи табиий газдан фойдаланмоқда. Бу кўрсаткични юз фоизга етказиш, қиш мавсумида айрим қишлоқларда газ босими пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида зарур чора-тадбирлар қўрилатиб. Соатқул Жўраев номидаги ҳамда «Истиқлол» фермер уюшмалари ҳудудида 2,7 километрлик табиий газ тармоғини модернизация қилиш, Арабхона, Беҳрабад, Навоий, Пахтакор, Қалқонота қишлоқларида 6,5 километрлик газ қувурларини жорий таъмирлаш, Навбахор-Кониҳор оралиғидаги 35 километр масофага қўшимча газ қувурлари тортиш ишлари шулар жумласидандир.

— **Қишлоқларда таълим ва тиббий хизматни янги сифат босқичига кўтариш «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий йўналишларидан биридир...**

— Бугунги кунда тумандаги 36 мактаб, битта ихтисослаштирилган мактаб-интернат, 13 боғча, битта мусика мактаби, иккита болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, ёш саяхатчилар ўзлашунослар ҳамда биоэкоасан мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимини такомиллаштириш, интеллектуал салоҳияти юксак авлодни тарбиялаш мақсадида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастурига мувофиқ ушбу муассасаларни

ларни замонавий қиёфага келтириш, юқори педагогик технологиялар асосида билан бериш учун барча қулайликларни яратиш йўлида сўнгги беш йил давомида сезиларли ишлар қилинди. 2009-2010 ўқув йили олдинда 7-мактаб қайта реконструкциядан чиқарилди. 25-, 33-мактаблар реконструкциядан сўнг кўркам қиёфага эга бўлди. Увайсий номидаги 2-мактабда спорт зали қурилди. Бошқа мактабларимизда ҳам жорий таъмирлаш ва ободонлаштириш тадбирлари амалга оширилиб, улар янги ўқув жиҳозлари, зарур адабиётлар билан таъминланди.

Эл соғлиги — юрт бойлиги. Аҳоли саломатлигини муҳофиза қилиш, ҳар томонлама соғлом авлод туғилиши ва вояга етишига кўмаклашиш, қишлоқларда жаҳон андозаларига мос тиббий муассасаларни ташкил этиш ихтимойи соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишидир. Ҳозир туманимизда 19 та қишлоқ врачлик пункти аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг 15 таси табиий газ, қолган бирламчи тиббий-санитария муассасалари ёқили билан иситилади. Қишлоқлардаги врачлик пунктларида узлуқсиз электр энергияси, ичимлик суви ва иссиқлик таъминотини йўлга қўйиш чоралари қурилмоқда. Наврўз, Жамбул ва Зарафшон қишлоғида қўшимча дорихона қуришни ҳам режалаштирмоқдамиз.

Буларнинг барчаси юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади — инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

**ЎЗА МУХБИРИ
ЕРКУЛ УМАР
суҳбатлашди.**

Автомобилсозликнинг истиқболи порлоқ!

Самарқандда «MAN» русумли юк машиналари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Яқинда Самарқандда «Ўзавтосаноат» акционерлик компанияси ва Германиянинг «MAN Nutzfahrzeuge AG» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «JV MAN Avto Uzbekistan» қўшма корхонаси конвейердан дастлабки «MAN» русумли юк автомобилларини чиқарилиши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Мустақил диёримизда ҳам Юртбошимиз раҳнамолигида бу соҳанинг жадал суръатларда ривожланиб бораётганини қувончи холдир. Бу ҳақда тантанали маросимда сўзга чиққан «MAN CE» компаниялар гуруҳи бошқаруви раиси Хокан Самуэльсон шундай деди: — Юксак иқтисодий ўсишлар даражасига эга бозорларга инвестициялар киритиш биз учун жуда муҳим. Ўзбекистон билан муносабат-

ларимиз мустаҳкам асосларга эга. «MAN» компаниялари гуруҳи бўлимларидан бири «MAN Ферростааль» — Ўзбекистонда 1991 йилда, мамлакатнинг мустақилликка эришган пайтдаёқ ўз ваколатхонасини очганди. Дарҳақиқат, ушбу корхона томонидан дастлабки босқичда Ўзбекистоннинг нефть-газ, автомобиль йўллари, тоғ қранлари эҳтиёжлари учун шатакчи, бортли автомобиллар ва турли ҳажда юк кўтаришга

мўлжалланган самосваллар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Корхонанинг дастлабки ишлаб чиқариш қуввати йилга 2 мингдан ортқк автотранспорт воситалари тайёрлашга мўлжалланган. Мазакур корхонанинг ташкил этилиши республикамизда машинасозлик соҳасини ривожлантиришнинг навбатдаги босқичидир, — дейди «Ўзавтосаноат» АК раиси ўринбосари Файрат Нёзов. — У

иктисодийнинг барқарор ўсишини, транспорт инфратузилмасини ва саноят ишлаб чиқаришини фаол ривожлантиришдаги лойиҳаларнинг кўллаб-қувватлашишга хизмат қилади. «MAN Nutzfahrzeuge» каби жаҳонда машҳур компаниянинг Ўзбекистон бозорига келиши республикада фақатгина тижорат транспортини ишлаб чиқаришда янги йўналишни очиб берибгина қолмай, балки «MAN» компаниялар

гуруҳи ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро алоқаларни ҳам ҳар томонлама ривожлантириш имконини беради.

Шунингдек, тантанали маросимда сўзга чиққанлар Ўзбекистонда санотни ривожлантириш учун қулай ва соғлом муҳит яратилганини таъкидлаб ўтдилар.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, «Ўзавтосаноат» акционерлик компанияси бошқаруви раиси У.Рўзқулов ва вилоят ҳокими У.Барноевлар иштирок этишди ва сўзга чиқиди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.
Самарқанд вилояти**

Томди яйловларининг гаши ва ташвиши

Олис Худудларда

Томди мамлакатимизнинг энг олис туманларидан бири. Республикаимиз ҳудудининг қарийб ўн фоизини ташкил қилган бу гўшаддаги ширкат хўжаликларидо асосан қорақўлчилик билан шугулланилади. Истиқлол йилларида Томдининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Туман марказидан анча олисда жойлашган овул ва отарларда меҳнат қилаётган чўпон-чўлиқлар эл-юрт маъмурчилигини таъминлашга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келишяпти.

Керегетовнинг ёқутистонлик келини

Олис Керегетов овулида қизиқ тақдирли инсонлар даврасида бўлди. Чорвадорлар раҳбари Бовиржон Серванов аҳолига бир хонадонга бошлаб борди. Хўжа қилишларина, Ёқутистон олий таълим олиш мақсадида борган қозоқ йигити Қайрбек ўша ерлик Галина исми киз билан танишди. Улар бир-бирларига кўнгли қўйиб, оила қурдилар. Йигит ўз қайинини тўрт томони кўм барханлари билан қолланган саҳрога олиб келади. Орадан йиллар ўтди. Қайрбек билан Галина бир ўғил ҳамда қизли бўлишди. Йигит ширкатда ветврач, Галина эса бош ҳисобчи бўлиб фаолият кўрсатмоқда. Кўпчилик Галинани Керегетовнинг ёқутистонлик келини деб

эъозлашади.

— Менга бу гўша ўз юртимдек бўлиб кетган, — дейди Галина Аслбекова. — Сабаби, бу гўшанинг одамлари меҳри, қалби дарё, меҳмондўст. Бу эса менга жудама асқотди. Яқинда ўғлим Амонни уйлантирдик. Хонадонимда ўтказилган тўйга эл-улус билан бирга узоқ Ёқутистондан укам Георгий, келиним Рая ҳамда яна бошқа меҳмонлар ташриф буюришди.

Ўтемурад ўтовларида

Ўтов... Қизилқумдаги қозоқ ўтови. Бу кўп ҳолларда "қора ўй" баъзан "юрт" гоҳида Ватан деб аталади. Қозоқлар қадим-қадимдан чорвачилик билан шугулланиб келишганлиги, ҳали у яйловда, ҳали бу яйловда макон қуриб яшаганликлари учун ҳам кўчманчи

чорвадорларга кўча уй — ўтов жуда кўп келган. 43 минг бошдан зиёд қўй-қўзи, 228 бош йилки, 222 бош туя парваришланаётган "Бирлик" ширкат хўжалиги раҳбарияти буни яхши англаб етди. Хозирги кунда хўжалиқда фаолият кўрсатаётган "Чигир" кичик цехида бир-бирдан бежирим ва чиройли ўтовлар тайёрланмоқда. Шу ерлик қиз ва жувонлар қўлида сайқалланган бу маҳсулотга қизиқувчилар сөрөб. Топшўлат Мирзаев, Ширинбек Сарсонбаев, Қўшон Хуришбеков, Нуржон Соатов, Ермон Меҳмонов, Бўрон Жойсанбоев, Ҳузурбек Исмоилов сингари бош чўпонлар отарларида ҳам улар қўлида тайёрланган бежирим ўтовларни учратиш мумкин. Хўжалик раҳбарининг таъкидлашича, қозоқ ва қорақўллар учун замонавий уйлар ёнида қадимий услубда, ўзига ҳос тарзда безатилган битта ўтов қуриш русум бўлмоқда.

Керизда бирлашган булоқ

Керизбулоқни булоқлар бирлашган жой деб эътироф этишарди. Шу ерлик кексаларнинг айтишича, қадимда бу гўшадга қўллаб булоқлар бўлган. Уларнинг суви билан аҳоли ҳамда чорва молларининг чанқоғини қоришишган. Хўжалик раиси Соғоз Абуовнинг

эътирофи айтишича, 456 минг гектарлик яйловларда 23 минг бош қўй-қўзи, 16 бош туя, 97 бош йилки боқётган 60 нафарга яқин чўпон-чўлиқ билан суҳбатлашувдек бўлсангиз, бу жойлар номи билан боғлиқ қўллаб-қувватлашни сўзлаб беришарди. Бу ҳам ўз киндик қони томган юртга одамларимизнинг меҳр-муҳаббатидан далолат.

Чўпон чидамли бўлади

Молга берсангиз соз емиш, боқар сени ёзу киш. Молинг зотли бўлса, емишинг тотли бўлади, — дейди узоқ йиллар қўйчилик қилган овулдаги кекса оқсоқол. "Қўйи қўпнинг иши кўп", — дея гурун беради Томди туманидаги "Жанги" ширкат хўжалиги бош чўпони Нуран Алибоев.

Нуран чўпоннинг бу фикрларини Бахтбек Арабев, Қаржиса Берденов сингари чорвадорлар ҳам таъкидлашди. Хўжалиқда шу сингари фойдаланилаётган эвазига қишқиривчи қўнларга етдики миқдорда ем-хашак жамғарилди. Бугунги кунда 200 минг гектарлик яйловларда 31 минг 853 бош қўй-қўзи, 251 бош туя, 247 бош йилки ярайтиб парваришланмоқда.

— 2009 йил мавсумида яхши ишлаган чўпон-чўлиқларга қўллаб қўзи мукофот тарихисидан тараққийлади, — дейди хўжалик раҳбари Муродбек Абдатов. — Келгуси

қўзилаштиш мавсумида ҳам ўша анъанага амал қиламиз. Ширкат марказидан анча олисда жойлашган овуллардаги мактабларга ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиб турилибди.

Сув — ҳаёт манбаи

Жабай Балиманов номли ширкат хўжалигининг Қизилқўй қўрғонидо истикомат қилаётган чўпон-чўлиқларнинг узоқ йиллик орзуси ниҳоят амалга ошадиган бўлди. Истиқлол байрами арафасида бу ерда артезиан кудуги қазилиб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан вилоят ҳокимлиги кўмағида бу иш амалга оширилди.

— Ушбу ҳудуднинг ширкат марказидан 65 чакирим олисда эканлигини инобатга оладиган бўлсак, амалга оширилган иш салмоғи эътиборга молик. Дақиқасига 8 тонна сув чиқариш қувватига эга бўлган артезиан кудуги ишга тушган, 10 минг бош қўзни бемалол сув билан таъминлаш имконияти яратилди, — дейди ширкат раиси Рустам Тўяқбоев. — Бундан ташқари ширкатимизда туя жундан кўрпа, одеял, иссиқ кийим-кечак тайёрлайдиган кичик цех ишлаб турибди. Овулларимизда қурилиш ишлари авж-жайда. Оқтов овул фуқаролар йи-

гини тасарруфидаги мактаб, болалар боччалари ширкат эътиборида.

"Томди" наслчилик ширкат хўжалиги тумандаги йирик, иқтисодий жиҳатдан бақувват жамоалардан бири. Унга кўп йиллардан бери тажрибали соҳа билимдон Кенгес Ернязов бошчилик қилиб келмоқда. 92 минг 993 бош қўй-қўзи, 564 бош йилки 85 та отарда сурув ортидан юрган тажрибали чўпон-чўлиқларга бириктириб берилган. Хуришбек Хўжагелдиев, Роҳиддин Тўяқбоев, Саидғали Ҳутонов, Бегдулла Тўлепов сингари чўпонлар бу йилги қўзилаштиш мавсумида қўзларнинг асосий қисмини ўстиришга қолдиришди.

— Хўжалигимиз яйловларида етиштирилган маҳсулотларни экспортга чиқаряпмиз, — дейди хўжалик раҳбари. — Қорақўл теориялар валютага сотилмоқда. Бунга эришиш доимий изланишни талаб қилади. Хозир барча отарлардаги қўра-қўтонлар қишга шай ҳолга келтирилмоқда. Чўпонларга кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган маҳсулотлар узлишишга йўл қўйилмасдан етказиб берилмоқда.

Улуғбек ЖУМАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Наманган вилояти

Нукус шаҳрида "Ковун сайли" фестивали ўтказилди. Унда барча туманлар фермерлари ўзлари етиштирган маҳсулотлари билан иштирок этишди.

НУКУСДА

КОВУН САЙЛИ

Қорақалпоқ ерларида азалдан ширин-шакор қовун навлари етиштирилган. Лекин сўнгги йилларда экологик вазиятнинг ўзгариши турли зараркундаларнинг кўпайишига ва маҳсулот етиштиришда қатор муаммоларни юзага келтирди. Эндилкида деҳқонларимизнинг олимлар билан олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари натижасида муаммолар ечим топмоқда ва қорақалпоқ қовунларининг ҳам навлари қайта тикланмоқда.

Фестивалда асосан "Ковун турларига бой туман", "Энг катта қовун", "Энг ширин қовун", "Энг экологик тоза қовун" номинацияларига алоҳида эътибор қаратилди. 42 турдаги қовунлари билан иштирок этган Нукус ва Чимбой туманлари биринчи ўринни эгаллаб, бир миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, "Энг ширин қовун" номинацияси бўйича Қонлиқўл туманидаги "Ғойиб ота" фермер хўжалиги, "Энг экологик тоза қовун" номинацияси бўйича Кегайли туманидаги "Аскар" фермер хўжалиги, "Энг катта қовун" номинацияси бўйича Қораўзақ тумани биринчи ўринни эгаллади.

Тадбир давомида бола-лар ўртасида "Мен ва ширин қовунлар дунёси" расмлар танлови, қовун ва ундан тайёрланган таомлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Танлов ғолибларни қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Давуд АБИДУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Қорақалпоқiston Республикаси

«ТАШАББУС МИЖОЗДАН — Қўллаб-қувватлаш Банкдан»

«Микрокредитбанк» ОАТБ ва мижозлар ўртасидаги ана шу муштараклик ўз самарасини кўрсатаётир

Мамлакатимизда амалга оширилоётган иқтисодий ислохотлар натижасида бугунги кунга келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ҳамда касаначилик фаолияти ҳам табори ривожланиб бораётир. Бу соҳаларни янада тараққий топтиришда, айниқса, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони асосида иш бошлаган ва айни пайтда очик акциядорлик тижорат банки сифатида фаолият юритаётган «Микрокредитбанк»нинг ҳам алоҳида хизматлари бор. Зеро, ушбу молиявий муассаса ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, айни шу тармоқларга хизмат кўрсатади. Уларга имтиёзли маблағларини тақдим этади.

Таъкидлаш жоизки, хозирги кунда «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки бу борада катта тажрибага эга универсал банкка айланиб улгурган. Бугун республикамизнинг қайси бир вилояти, тумани, маҳалла ёки қишлоғига борманг, банк маблағи ва хизматидан фойдаланиб, иш юритаётган, бу билан элу юртига наф келтираётган тадбиркорлик субъектларини учратасиз.

Хусусан, банкнинг Наманган вилояти филиали томонидан бу борада амалга оширилоётган ишлар ҳақида шундай дейишимиз мумкин. Жорий йилнинг 1 август ҳолатига қўра, филиал жамоаси, вилоятдаги 913 та хўжалик субъектисига 4053,6 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратди. Ушбу маблағларнинг 635 миллион сўми 342 та субъектга бошлангич сармояни шакллантириш учун, 2511,2 миллион сўми бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағни тўлдириш учун, 191,1 миллион сўми эса 6 та субъектга микролизинг хизмати сифатида берилган бўлса, 8 та субъектга 224,7 миллион сўмлик молиявий лизинг хизматлари кўрсатилган.

Энг муҳими, ана шу маблағ ва хизматлар эвазига шу давр ичида вилоятда қўшимча равишда 2119 та иш ўрни яратилди.

Агар хизмат ва маблағларни тармоқлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, улар қуйидагича: ишлаб чиқаришга 894,3 миллион, қишлоқ хўжалигига 1468,3 миллион, маиший хизмат кўрсатишга 498,7 миллион, қурилишга 1010,9 миллион ва бошқа соҳаларга 517,6 миллион сўмдан иборат бўлмоқда.

Маълумки, бугунги кунда республикамизда ёшларга бўлган эътибор катта. Уларга ўқиш ва ишлашлари учун барча имконият ва шароитлар яратиб берилган. Ўз навбатида ёшларимиз ҳам ўзларининг ташаббускорлиги, иқтисодий ва интилишлари билан бунга жавоб беришарди. Айниқса, банкнинг ёшлар билан муштахкам ҳамкорлик ўрнатгани ана шундай мақсад ва истакларнинг рўёбга чиқишини таъминлаётир. Бунинг натижасида вилоятда айнан ёшлар раҳбарлигида ёки иштирокда қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлар қўйилмоқда. Улар жамиятнинг илгор қисмига, ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланиб, вилоят, қолаверса, мамлакат

иқтисодий ривожда ўз ҳиссаларини қўшишяпти. Бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришда эса Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки томонидан ҳам талайгина ишлар амалга оширилди. Ўтган вақт мобайнида тадбиркорлик фаолиятларини моддий қўллаб-қувватлаш учун 224 та ёш оилага 720,5 миллион сўм кредит ажратилган, унинг 317 миллион сўми истеъмол кредити эканлиги Шулар жумласидандир.

Шунингдек, филиал жамоаси томонидан вилоят аҳлини, айниқса, хотин-қизлар ва кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Яъни жорий йилнинг бошидан бунён 379 та тадбиркор аёлга 741,1 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилган бўлса, 65 та оилага қорамол боқувчилари учун 97,9 миллион сўм миқдорда кредит берилган.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда банк-молия тизимини ислоҳ қилиш, молия муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган чора-тадбирлар амалда ўз ифодасини топмоқда. «Мижоз банк учун эмас, балки банк мижоз учун» тамойили асосида фаолият юритаётган молия муассасалари олдларидеда турган вазифа ва мақсадларни тўла бажаришмоқда. Бу эса ўз навбатида, мижозлар сонининг кўпайишига, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилаётир.

«Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкнинг Наманган вилояти филиали томонидан ислохотлар жараёнига мос равишда амалга оширилоётган ишлар ана шундай дейишимизга асос бўлади. Бу борадаги ишлар, айниқса, жорий — Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йилида янги босқичга кўтарилди. Банк ўз хизмат ва маблағлари билан чекка-чекка маҳаллаларга, қишлоқларга кириб бормоқда.

Р. РАУПОВ

Наманган вилояти

Қишлоқ ҳаётига жавоб берадилар

МУАММО ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани Пахталисий қишлоғида яшовчи А.Шариповнинг тахририятимизга йўллаган хатида кейинги йилларда шаклланган мазкур қишлоқни электр энергияси билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиши сўралганди. Яқинда ушбу муносабатда вилоят ҳокимлиги қотибияти мудир Ш.Муродов имзоси билан жавоб хати олинди. Унда қишлоқ аҳолисининг муносабатлари ҳисобга олиниб, тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида қишлоқни электр энергияси билан таъминлашда ҳомийлик ёрдами кўрсатиш «Қашқадарёпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига, назорати Чироқчи тумани ҳокимлигига юклатилганлиги маълум қилинган.

«Кумушкент сарвари»

Вобкент туманининг Хўжаробот қишлоғида истикомат қилувчи тадбиркор Шавкат Мавлонов «Кумушкент сарвари» масъулияти чекланган жамияти ташкил этиб, маҳалла ҳудудида умумий овқатланиш, савдо дўкони ва кичик новвойхона қуриб ишга туширган эди. Шу аснода 9 нафар маҳаллий ёш иш ўрнига эга бўлди.

Жорий йил охиригача Россиядан келтирилган иккита махсус печлар ўрнатилиб, ишга туширилгач, бир неча турдаги нон ва ширин пишириқлар тайёрлана бошлайди.

СУРАТДА: жамият ишчиси Самандар Қосимов. Ҳамрози АЛИ сураат-лаҳаси. Бухоро вилояти



ҚАРЗНИ УЗИШ — ФАРЗ

Кундалик ҳаётимиз учун зарур бўлган ичимлик суви, табиий газ ва электр таъминотидаги масалалар изчиллик билан ҳал этиб боришмоқда. Бу аҳолига катта қулайлик турдирмоқда. Лекин айримлар масала моҳиятини ҳанузгача тушуниб етмаётган қўринадилар. Ақс ҳолда сув, газ, электрдан фойдаланиб, тўловига келганда бепарво юриб, қарадорликларнинг ортишига йўл қўйилмаган бўларди. Бу нафақат иқтисодий тизимга путур етказди, балки ойлук маошлар, нафақалар тўловини кечиктирди, ободончилик ишларини кенгайтиришга салбий таъсир этади ҳамда тармоқларга янги технологияларни олиб киришдек муҳим вазифаларни вақтида удалашда узлишларга йўл қўйилади.

Шундай экан, бунинг олдини олиш учун жойларда қандай чоралар қўрилмоқда, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Пойтахт вилоятининг «Уртакчир-чиктумангаз» таъминоти бўлимида бу борада ишлар аниқ режалар асосида олиб боришмоқда. Аввало бўлим бошлиғи ўзгаргандан сўнг, биринчи навбатда тармоқчи куз ва қишги мавсумга тайёрлаш тадбири бошлаб юборилди: мавжуд ҳудудлардаги ГРПлар сифати йўл таъмирланиб, босим асосида синаб қўрилди. Бундан ташка-

сабабли уларни таъмирлаш, янги-сига алмаштириш зарурати мавжуд. Лекин маблағ масаласи долдаврга юмушларни муддатда удалашга тўғнақ бўлиб турибди. Бир қатор истеъмолчиларнинг фойдаланилган газ учун вақтида ҳисобитоб қилишда масъулиятсизлиги кўзга ташланади.

2009 йил бошида фойдаланилган табиий газдан қарздорлик 5.923.803 минг сўми ташкил этади. Бундан ташқари август ойига эвазига истеъмолчига 3.416.245 минг сўмлик табиий газ етказиб берилган. Корхона ишловчиларининг (эътибор беринг, истеъмолчи эмас, балки етказиб бериувчининг ўзи яна югуриб-елмоқда) ҳаракати туфайли ўтган даврда 4.021.623 минг сўм маблағ ундирилган. Шунга қарамай йилгилиб қолган катта миқдордаги қарздорлик ҳамон осилиб турибди. Ҳўш, бундан кимга фойдага кимга зарар?

Қарздорликка барҳам беришдек долзарб масалага айрим корхона ва ташкилотлардаги масъул мутаассадиларнинг бепарво қараётгани эса ҳар қандай кишини ажаблан-

БИЛИМ ОЛИШ АМАЛИЁТГА ПАЙВАСТА

Қишлоқ аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш, табиий маданиятини ошириш, соғлом авлодни камол топтиришда ўрта тиббиёт ходимларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Соҳанинг бўлиғи вакиллари касб маҳорати ва кўникмаси, бurch ва масъулияти ўқувчилик давридаёқ қўқур сингдирилди. Ана шундай оғинл ҳамширалар тайёрлайдиган даргоҳ ҳисобланган Шаҳрисабз тиббиёт коллежи педагогик жамоаси кўпгина ютуқларга эришмоқда. Коллежда ўқувчилар умумий амалиёт ҳамшираси ва тиббий лаборатория мутахассислиги бўйича тахсил олишмоқда.

— Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонун талабларига мувофиқ педагогик тахриба ва замонавий технологияларни амалиётда қўлланганимиз, — дейди коллеж бўлим бошлиғи Эшонқул Холмаматов. — Ўқувчилар назарий билимларини амалиётда муштахкамлаб боришарди. Айниқса, ўқитишнинг ноанъанавий баҳс-мунозара, кичик гуруҳларга бўлиш, интеллектуал ринг ва бошқа усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Ўқув ва лаборатория хоналари зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги ўқувчиларга

иқтидорли ёшлар маркази 150 нафар йигит-қизни бирлаштирган. Ўқувчилар бу ерда интернетдан фойдаланган ҳолда тиббиётдаги янгиликлардан хабардор бўлишарди. Шунингдек, фан олимпиадаси, кўрик-танловлар, спорт мусобақаси ва конференцияларга пухта тайёрларлик кўришарди.

Жараён ледаги 31 йўналиш бўйича фаолият кўрсатаётган фан ва спорт тўғрақлари фаолиятини таҳлил этиб боради.

Коллежда қарийб 22 минг донга китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази, 200 ўринли замонавий ётқоҳона, киши спорт зали, тивувчилик тўғраги мавжуд. Коллежда электрон дарслиқлардан фойдаланишни йўлга қўйишга катта


Таассуф

тиради. Ваҳоланки, ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларининг туман газ таъминоти бўлими олдидаги қарздорлиги 470.351 минг сўми, шундан муддати ўтгани 340.561 минг сўми ташкил этади. 28.315 минг сўм қарзи бўлган «ТS1 Корасупахта» ОАЖ қўшма корхонаси ҳамда 1.211 минг сўм қарздорликка йўл қўйгани учун «Уртакчирлик МТП» ДАЖ каби 15 та ташкилот ва муассасалар табиий газ тармоғидан узиб қўйилди.

Аҳолининг қарздорлиги бўйича рақамлар ҳам таажубланарли. Масалан, Чувилдоқ маҳалласида яшовчи Н.Нурматов фойдаланган манбаа учун корхонага 1.702 минг сўм тўлаши кераклигига қарамай, ҳамон масъулиятни ҳис етмаган. Шунингдек, Қончи маҳалласидан М.Нусерованинг қарзи 1.524 минг сўм, Намуна маҳалласидан Т.Қўшматовнинг қарзи 1.445 минг сўмдан иборат. Бундайлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Шуниси аёнки, бепарволик келгусидаги табиий газ таъминотида салбий таъсир этиши мумкин. Бундан истеъмолчи зиён қиришини унутмаслик зарур.

Абдусамил ХАКБЕРДИЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Тошкент вилояти



эътибор қаратиб келинмоқда. Ёшларнинг маънан етук, жисмонан бақувват бўлиб камол топишда маънавий-маърифий тадбирларнинг муҳим ўрни бор. Мазкур даргоҳда ўқувчиларнинг тарихий шаҳарларга саёҳатини уюштириш, ёшлар фестиваллари ўтказиш ҳам алоҳида аҳамиятга молик масалалар сирасига кирди.

Э.ФАЙЗУЛЛАЕВ

Қашқадарё вилояти

Меҳнат қилган етар муҳодга

Талар сўзи — ақлининг кўзи"ни кўрсам кўзимга ёш келаварарди. Қани эди, ота-онамиз ҳаёт бўлганда бошимда кўтариб юрардим. Отамдан айрилиб қолганимда олти ёшли бола эдим. Қўлимдан етаклаб онам илк бора мактабга олиб борган. Ҳаёлимда бир қўлимдан отам, яна бир қўлимдан онам етаклаб мактабга олиб кетаётгандай туюлди. Бир пайт ариққа тушиб кетай дебман. Онамининг хушёрлиги мени кўнгилсизликдан сақлади.



Синфдошларимнинг оталари ҳақидаги ҳар бир сўзи қалбимни ўртаб юборарди. Отасизлик нима эканини юрак-юрагимдан ҳис этардим... Онамининг кўксига бошимни қўйиб, йнглаб олардим. Яратганининг амри шу экан. Ар-

мия хизматига юганимда ҳали йигирмага тўлмай меҳрибоним — онажонимдан ҳам айрилиб қолдим. Ота меҳрига зор болалигим энди унут бўлай деб турганимда...

онамдан жудо бўлдим. Тақдирга тан бермасликдан бошқа илож йўқ эди... Падари бузруқорим ва волидан муҳтарамам билан дийдорни охиратга қолдириб, меҳнатга — жуда оғир ҳаётга шўнғиб кетдим".



Кўргонтепелик тадбиркор Маҳмуджон Юлдашевнинг ҳаёт лавҳаларидан бир шингилни баён этдик, холос. Муқаддас китобимизда Аллоҳ иймон ва эътиқодли, сабр қилувчилар билан бирга дейилган. Бобомиз Баҳоуддин Накшбанднинг "Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин" деб айтганларига амал қилган Маҳмуджон мана бугун мустақиллик берган имкон туфайли тадбиркорликнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Ишни хусусий тадбиркорликдан бошлади. "Ал-Маъруф Жавлонбек файз" ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини йўлга қўйди. Тўрт нафар ишчи билан корхона ташкил этилган бўлса,

Оила ибратли

Тасвирий санъат

Муқаддас Ватан сийрати

Ўзбекистон Бадий академиясининг бир гуруҳ мусаввирлари Қашқадарь вилоятида ижодий сафарда бўлиб, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Ижодкорлар воҳа қишлоқ ва шаҳарларидаги одамларнинг яшаш тарзи, корхона ва ташкилотлардаги бугунги кенг кўламли қурилиш, ободонлаштириш, яратувчанлик ишларига асосий эътиборни қаратдилар.

— Ижодий сафаримиз давомида мамлакатимиз қишлоқлари ҳаёти, Мустақиллик берган кенг имкониятлар, одамларнинг кайфияти, юртимиздаги диққатга сазовор жойлар, қишлоқлар жамоли ва табиати билан танишдик. Энди барча таассуротларимизни ижодий ишларда акс эттириб, пойтахтимизда бу борада кўргазма ва галереялар ташкил этамиз, — дейди Ўзбекистон Бадий академиясининг ижодкор ёшлар бирлаш-

маси раҳбари Дамир Ҳамаев. — Гуруҳимиздаги ижодкорлар туманларда бўлиб, ижодий материаллар йиғишди. Эскиз ва қоралама тарзида тўпланган материалларда воҳанинг бугунги ҳаёти, қадимдан шаклланиб келган ўзига хос удулари, миллий либослари, этнографияси, архитектура, қишлоқ одамлари ва уларнинг турмуши нодир асарларда акс эттирилади. Сирасини айтганда, шу муқаддас Ватан сийрати барча ижодкорлар қатори расмолар иходидан ҳам мустаҳкам ўрин олади.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири. Қашқадарь вилояти

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

НАВОЙСКОЕ ОБЛАСТНОЕ УПРАВЛЕНИЕ ДЕПАРТАМЕНТА ПО ИСПОЛНЕНИЮ СУДЕБНЫХ РЕШЕНИЙ, МАТЕРИАЛЬНО-ТЕХНИЧЕСКОМУ И ФИНАНСОВОМУ ОБЕСПЕЧЕНИЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СУДОВ

ПОВТОРНО ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

На объект: "Здание Учкудукского районного суда Навоийской области".

Стартовая стоимость заказчика без НДС — 282 916 000 сум.

Срок завершения строительства — 150 дней.

Заказчик Навоийский областной управление по исполнению судебных решений, материально-техническому и финансовому обеспечению деятельности судов.

Расположенный г.Навоий, ул.М.Улугбек-21.

Финансирование осуществляется за счет собственных средств Министерства юстиции.

Предприятия и органи-

зации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалисты, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обра-

титься с запросом к организатору торга Территориальный консалтинговый центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу г.Навоий, ул.С.Айний-32.

Тел.: 225-53-85, 225-52-38.

Стоимость одного комплекта документов 70 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навоий, ул.С.Айний-32. Тел.: 225-53-85.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

АВТОТРАНСПОРТ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ

GAZ GROUP

AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан энди автотранспорт — 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фуругонлар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларни соғайди. Ҳақ тўлаш исталган усулда!

Манзил: 100015, Тошкент ш. Шаҳрисабз кўчаси 16^а-уй. Тел/факс: (99871) 256-13-01, 256-10-36, 256-03-62, 126-12-94. Автосалон: 127-69-60, 140-41-22, 140-41-21. E-mail: info@auto.uz Web-site: www.auto.uz

6 ўриндиқ, 2 тонна юк кўтарувчи. "ГАЗ-330232-Фермер" автомашинаси

"ГАЗ-3221" русумли 13 ўриндиқ микроавтобус

"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк кўтарувчи машина

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибят — 233-95-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қоракалпоғистон Республикаси — 585-16-12; Андижон — 224-99-13; Бўлроқ — 542-05-18; Жиззах — 366-61-16; Наманган — 224-81-69; Фарғона — 223-35-98; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 372-38-13; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 750-82-39; Қашқадарь — 221-59-40.

Реклама ва эълонлар — 233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи: А.ХАКБЕРДИЕВ, МусаХОИВ, Э.ХАЙИТОВ, Диязайнер: Ф.РАСУЛОВ

Бош муҳаррир Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин КУДРАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Раҳимберди БҲРИЕВ, Гуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидмин САИДЖАЛОЛОВ, Бақодир АБДУҚОДИРОВ, Илком ХАЙДАРОВ, Нармон УМАРОВ, Абдурахмат БОЙМУРОДОВ, Мухаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОВ, Зайнулдин ОБИДОВ, Ҳақимжон УМАРҲУЖАЕВ.

Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Аялтай АДИЛОВ, Гофур АЛИЕВ, Тулганбай КАРИМОВ, Шухрат ҒАНИЕВ, Уктаб БАРНОЕВ, Уткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суният САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам КОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Мухаммад АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).



СПОРТ

Милан — 2009: мурасасиз олишувлар

БОКС

Италиянинг Милан шаҳрида 1 сентябрь кунини старт олган бокс бўйича жаҳон чемпионати давом этмоқда. Аввал хабар қилганимиздек, Сардор Абдуллоев (91 кг) дастлабки жангидаёқ хитойлик боксчидан енгилиб, мусобақани тарк этишга мажбур бўлган эди.

Дастлабки жангини иорданиялик Маҳмуд Ишесимага қарши ўтказиб, ёрқин галабага эришган Хуршид Тожибоев (60 кг) қутилмаганда Маҳди Отину (Марокаш)га имкониятни бой берди. Энди эса улар сафига ўзининг мусобақадаги иккинчи жангини эквадорлик боксчи Карлос Куппога бой берган Алишер Маҳмудов (48 кг) ҳам қўшилди. Демак, ҳозиргача уч нафар боксчимиз мусобақани тарк этди. 8 нафар боксчимиз эса ғалиблик учун баҳсини давом эттиради.

2006 йилги Осиё ўйинлари ғалиби Бақодир Султонов (87 кг) иккинчи жангда венгриялик боксчини 18:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Кейинги жангини у польшалик боксчига қарши ўтказди. Шунингдек, ўз вази тоифаларида Ботир Маҳмудов (69 кг) ҳамда Элшод Расулов (81 кг) рақибларини мағлубиятга учратишга эришишди.

Футбол бўйича 2010 йилги Жаҳон чемпионати Аргентинасиз ўтиши мумкин

ФУТБОЛ

Ўтган ҳафтанинг шанба, якшанба кунлари дунё шим майдонларида Жаҳон чемпионатидаги чиқиш учун кураш олиб бораётган терма жамоалар навбатдаги саралаш боксичи ўйинларини ўтказишди.

Мухлису мутахассисларда катта қизиқиш уйғотган ўйин Жанубий Америка грандлари Аргентина ва Бразилия жамоалари ўртасидаги учрашув бўлди. Ўз ўйида "сарик рангиллар"ни қабул қилган афсонавий футболчи Марadona бошчилигидаги Аргентина терма жамоасига галаба сува ва ҳаводек зарур эди. Бироқ Бразилия Аргентинанинг эҳтиёжлари билан ҳисоблашиб ўтирмади. Бразилия терма жамоаси жаҳон чемпионати йўлнамасини ҳал қилиб улгурган бўлса-да, ўйинга жиддий тайёргарлик кўрди ва Аргентинани ўз ўйида 1:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб қайтди. Аргентина ўз гуруҳида тўртинчи ўринда турибди. Гуруҳ учрашувларининг якунлашишига эса учта тур қолди. Агарда "албиселесталар" жамоаси отни қамчиламаса, жаҳон чемпионатидан курак қолади дегунда қўрилади.



Афсонавий футболчининг мураббийлик борасида ҳозирча омади чопмайти.

ЖЧ 2010 саралаш ўйинларининг қолган учрашувлари натижалари: **Европа:** Россия-Лихтенштейн-3:0, Озарбойжон-Финляндия-1:2, Исроил-Латвия-1:0, Швейцария-Греция-2:0, Польша-Андорра-5:0, Исландия-1:1, Словакия-Чехия-2:2, Дания-Португалия-1:1, Венгрия-Швеция-1:2, Молдова-Люксембург-0:0, Шотландия-Македония-2:0, Украина-Андорра-5:0, Исландия-Норвегия-1:1, Хорватия-Беларусь-1:0, Туркия-Эстония-4:2, Франция-Руминия-1:1, Испания-Бельгия-5:0, Грузия-Италия-0:2, **Африка:** Малави-Гвинея-2:1, Габон-Камерун-0:2, Мозамбик-Кения-1:0, Того-Марокаш-1:1, Бенин-Мали-1:1, Нигерия-Тунис-2:2, Гана-Судан-2:0, Руанда-Миср-0:1, Алжир-Замбия-1:0, **Жанубий Америка:** Перу-Уругвай-1:0, Колумбия-Эквадор-2:0, Кот д'Ивуар-Буркина Фасо-5:0, Парагвай-Боливия-1:0, Чили-Венесуэла-2:2, **Шимолий ва Марказий Америка, Қариб ҳавзаси:** АКЖ-Сальвадор-2:1, Гондурас-Тринидад ва Тобаго-4:1, Коста Рика-Мексика-0:3, **Осиё:** Баҳрайн-Саудия Арабистони-0:0.

Азиз НУРУЛЛАЕВ